

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг олий таълим муассасаларида  
таҳсил оладиган фаол ёшларга стипендия тайинлаш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг стипендияси (кейинги ўринларда “стипендия” деб юритилади) Ўзбекистон Республикасидаги олий таълим муассасаларида таълим олаётган Олий таълим муассасаси касаба уюшмаси қўмитасининг тавсиясига кўра ижтимоий муҳофазага мухтож, таълим муассасаси ва касаба уюшмалари фаолиятини ривожлантиришда фаол иштирок этаётган, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлган иқтидорли талабаларни моддий рағбатлантириш максадида касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан олти ой муддатга тайинланади.

2. Стипендия ҳар бир ҳудуддан 1 (бир) нафардан, республика бўйича жами 14 (үн тўрт) нафар талабага берилади.

Истисно тариқасида, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси томонидан стипендияга лойик деб ҳисобланган ёшларга белгиланган квота (14 та)дан ташқари стипендия тайинланиши мумкин.

**II. Номзодлар томонидан стипендияга ҳужжатларни  
тақдим этиш ва уларни кўриб чиқиш**

3. Стипендияга номзодларни танлаш учун Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаларида (кейинги ўринларда “бирлашмалар” деб юритилади) стипендия тайинлаш комиссияси тузилади.

4. Касаба уюшмалари стипендияси ўкув режаларини етарли даражада ўзлаштирган ҳамда чин етим, етим, ногирон;

ижтимоий муҳофазага мухтож оиланинг фарзанди;

таълим муассасаси ва касаба уюшмаси фаолиятида фаол;

бошқа қўшимча стипендия олмаётган талабаларга берилади.

5. Номзодлар ўzlари таҳсил олаётган олий таълим муассасаси касаба уюшмаси қўмитасига қўйидаги:

иловага мувофиқ тўлдирилган номзод анкетаси;

фуқаролик паспортининг нусхаси;

3,5 x 4,5 см ҳажмдаги 2 дона рангли фотосурат;

рейтинг дафтарчасидан нусха ;

ногиронлиги, етимлиги ёки ижтимоий муҳофазага мухтожлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этади.

6. Олий таълим муассасаси касаба уюшмаси қўмитаси номзодлардан келиб тушган ҳужжатларни алоҳида жилдга жойлайди, ҳар бир жилд муковасида ОТМ номи, талабгорнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, факультети, курси, гурухини кўрсатади.

7. Стипендияга хужжат топширган номзодлар олий таълим муассасаси илмий (педагогик) кенгashi билан касаба уюшмаси кўмитасининг кўшма мажлисларида мухокама этилади ва **йилнинг 10 ноябрига қадар** бирлашманинг стипендия тайинлаш комиссиясига номзодларнинг хужжатлари ва кўшма мажлис баёни тақдим этилади.

Худудда иккитадан ортиқ олий таълим муассасаси мавжуд бўлган бирлашмаларга хар бир олий таълим муассасасидан бир нафардан кўп бўлмаган номзод тақдим этилиши зарур.

8. Тақдим этилган хужжатлар ҳамда номзоднинг комиссия ҳузурида намойиш этган тақдимоти бирлашманинг стипендия тайинлаш комиссияси томонидан **15 ноябрга қадар** кўриб чиқилади.

Стипендияга муносиб кўрилган 1 (бир) нафар номзод танлаб олинади ва бирлашма кенгашининг раёсат қарори билан тасдиқланади.

9. Стипендия қоида тариқасида ҳар йили декабрь ойида тайинланади. Стипендия ҳар бир талабага республикада белгиланган энг кам иш хақининг 5 (беш) баравари миқдорида белгиланади ва январь ойидан бошлаб олти ой муддатда ойма-ой тўланади.

10. Стипендиялар учун маблағлар бирлашмаларнинг касаба уюшмаси бюджети хисобидан ажратилади ва буни йиллик даромадлар ва харажатлар сметасида кўзда тутади.

11. Стипендия бир талабага фақат бир маротаба берилади ҳамда электрон базага киритилади, стипендия олган талабанинг рўйхатга кайта киритилмаслигига бирлашмалар раҳбарлари шахсан жавобгар, масъул хисобланади.

### **III. Стипендиантларни тақдирлаш**

12. Комиссия хулосасига кўра стипендияга лойик деб топилган талабани тасдиқлаш хақидаги бирлашма кенгashi раёсатининг қарори Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига **25 ноябрга қадар** тақдим этилади.

13. Қорақалпогистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари кенгашлари раёсати тасдиқлаган ва тақдим этган рўйхатлар (стипендиантлар)ни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгashi аппаратининг Ёшлар билан ишлаш бўлими умумлаштиради ва уларга маҳсус сертификатлар тайёрлайди.

14. Стипендиантларга “Касаба уюшмалари стипендианти” сертификати Конституция байрами арафасида тантанали тарзда топширилади.

### **IV. Якуний қоидалар**

15. Касаба уюшмалари стипендиясини тайинлашга доир барча таклиф ва мулоҳазалар бирлашмалар кенгашларининг комиссиялари томонидан кўриб чиқилади.

16. Касаба уюшмалари стипендианти ойда бир марта касаба уюшмаси фаолиятини оммавий ахборот воситаларида ёритиши ёки унинг тадбирларида иштирок этиши (тасдиқловчи хужжатлар бирлашмага тақдим этилади) зарур, 2 ой давомида мазкур йўналишдаги харакатсизликлар стипендия беришни тўхтатишга асос бўлади.

17. Талабаларнинг касаба уюшмалари стипендиясини тайинлаш бўйича ариза ва шикоятлари қонун хужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.



Низомга илова

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИННИГ СТИПЕНДИЯСИГА НОМЗОД АНКЕТАСИ

---

---

---

3,5x4,5 расм

(номзоднинг фамилияси, исми, шарифи)

### Олий таълим муассасаси хақида маълумот:

Муассаса номи: \_\_\_\_\_

Факультет (йўналиш): \_\_\_\_\_

Курс / гурӯҳ: \_\_\_\_\_

### Номзодга қисқача тавсифнома:

---

---

---

---

### Шахсий маълумотлар:

Туғилган куни, ойи, йили \_\_\_\_\_ Туғилган жойи \_\_\_\_\_

Паспорт серияси \_\_\_\_\_ раками \_\_\_\_\_ берилган вақти \_\_\_\_\_ ким томонидан  
берилган \_\_\_\_\_

Доимий яшаш манзили \_\_\_\_\_

### Телефон раками:

Мобил: (+998) 9 \_\_\_\_\_ (+998) 9 \_\_\_\_\_ (+998) 9 \_\_\_\_\_

Уй: (+998) \_\_\_\_\_

Тўлдирилган сана \_\_\_\_\_

Шахсий имзо \_\_\_\_\_

**Фаол касаба уюшма аъзолари бўлган ёшларни Федерация тасарруфидаги  
санаторийларда соғломлаштириш тартиби тўғрисида  
Низом**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур “Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидағи санаторийларда ёшларни соғломлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом (кейинги ўринларда “Низом” деб юритилади) Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Ёшларга оид сиёсати Концепциясининг устувор йўналишидан келиб чиқсан ҳолда, ёш касаба уюшмалари аъзоларини, шунингдек ижтимоий химояга муҳтож олий таълим муассасалари талабларини (кейинги ўринларда “ёшлар” деб юритилади) қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг соғликларини муҳофаза қилишга қўмаклашиш максадида ишлаб чиқилган.

2. Низом 20 ёшдан 35 ёшгacha бўлган касаба уюшмалари аъзоларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидағи санаторийлар (кейинги ўринларда “санаторий” деб юритилади)да бепул соғломлаштириш учун йўлланма бериш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилайди.

**II. Санаторийларда бепул соғломлаштириладиган  
ёшлар рўйхатларини шакллантириш**

3. Касаба уюшмалари аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий, хуқуқий манфаатларини химоя қилишда фаоллик қўрсатиб келаётган касаба уюшмаси фаоллари, ёш ходимлар ва болаликдан ногирон бўлган ёки етим ёхуд ижтимоий муҳофазага муҳтож талabalар санаторийларда бепул соғломлаштириш ишлари Қорақалпогистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаларининг (кейинги ўринларда “бирлашмалар” деб юритилади) касаба уюшмаси ва ижтимоий сұғурта бюджети маблағлари хисобидан амалга оширилади.

Бирлашмалар томонидан тақдим этиладиган, санаторийда бепул соғломлаштириладиган ёшларнинг сони бир йилда ҳар бир худуддан бир нафардан, жами 14 нафар этиб белгиланади.

4. Санаторийларда бепул даволаниш учун ёшлар номзодлари Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси томонидан ҳам тавсия этилиши мумкин (белгиланган 14 нафар номзоддан ташқари).

5. Йўлланмага номзодларни танлаш учун бирлашмаларда йўлланма ажратиш комиссияси тузилади.

6. Бепул соғломлаштириш учун йўлланма:

Олий таълим муассасаси, корхона ташкилот касаба уюшмаси қўмитасининг хулосасига кўра ижтимоий муҳофазага муҳтож оиланинг фарзанди ёки болаликдан ногирон ёхуд етим;

корхона, ташкилот ва муассаса касаба уюшмаси хаётидаги фаол ёшларга берилади.

**7.** Номзодлар ўзлари ишлаётган корхона, ташкилот ёки таҳсил олаётган олий таълим муассасаси касаба уюшмаси қўмитасига қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

фукаролик паспортининг нусхаси;

3,5 x 4,5 см ҳажмдаги 2 дона рангли фотосурат;

ногиронлиги, етимлиги ёки иктиносидий аҳволи ҳақида олий таълим муассасаси, корхона ташкилот касаба уюшмаси қўмитасининг хulosаси;

соғломлаштиришга мухтожлиги тўғрисида тиббий хulosasi;

ёшлар иттифоқининг корхона, ташкилот ва муассасадаги бошланғич ташкилоти етакчиси тавсияномаси.

**8.** Корхона, ташкилот ва муассаса касаба уюшмаси қўмитаси номзодлардан келиб тушган ҳужжатларни алоҳида жилдга жойлади, ҳар бир жилд муковасида корхона, ташкилот ёки ОТМ номи, номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими, факультети, курси, гурухини кўрсатади.

**9.** Йўлланмага ҳужжат топширган номзодларнинг иктиносидий аҳволи, соғломлаштиришга мухтожлиги корхона, ташкилот ва муассаса касаба уюшмаси қўмитасининг йигилишида мухокама этилади ва **йилнинг 10 ноябрига қадар** бирлашманинг йўлланма ажратиш комиссиясига номзодларнинг ҳужжатлари ва йигилиш баёни тақдим этилади.

**10.** Тақдим этилган ҳужжатлар бирлашманинг йўлланма ажратиш комиссияси томонидан **15 ноябрга қадар** кўриб чиқилади.

**11.** Бирлашмалар ҳар йили **25 ноябрга қадар** кейинги йилда санаторийларда бепул соғломлаштириш учун тавсия этиладиган ёшлар рўйхати ва тавсия ҳатини, соғломлаштиришнинг муддати (оий)ни ҳамда санаторий номини кўрсатган ҳолда, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига тақдим этадилар.

Санаторийда бепул соғломлаштириш учун йўлланмалар биринчи навбатда шифокорларнинг хulosасига кўра соғломлаштиришга мухтож, етим, чин етим, иктиносидий ночор оиласарнинг фарзандлари бўлган ёшларга берилади.

Ушбу низомга асосан бепул йўлланма бир шахсга факат бир маротаба берилади, йўлланма олган шасхнинг рўйхатга қайта киритилмаслигига бирлашмалар раҳбарлари шахсан жавобгар, масъул ҳисобланади.

**12.** Санаторийларда бепул соғломлаштириш учун тавсия этилган номзодларнинг умумий рўйхати Федерация Кенгаши аппаратининг Молия ва Ижтимоий суғурта бўлимлари билан келишган ҳолда, ҳар йили декабрь ойининг 15 санасигача, кейинги йил учун ойлар кесимида, Федерация Кенгаши аппаратининг Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан шакллантирилади ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси томонидан тасдиқланади.

**13.** Тасдиқланган рўйхат бирлашмаларга ҳар йилнинг 31 декабригача етказилади, улар эса ўз навбатида рўйхатга киритилган ёшларни соғломлаштириш муддати ҳақида хабардор қиладилар.

### **III. Санаторийларда соғломлаштириш учун бепул йўлланма бериш ва ундан фойдаланиш тартиби**

**14.** Бепул йўлланмалар ҳар йили тасдиқланган рўйхатга асосан бирлашмалар томонидан берилади.

Бирлашма раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси санаторийларга берилган йўлланмаларни алоҳида “Йўлланмаларни рўйхатга олиш китоби”да акс эттиради. Мазкур китобнинг вараклари рақамланиб, тикилади ва бирлашма раиси томонидан имзоланиб муҳрланади.

Йўлланма фақат берилган шахс учунгина ҳақиқий ҳисобланади.

**15.** Ёшлар санаторийларда бепул соғломлаштириш учун тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган муддатларга қатъий риоя этган ҳолда қабул қилинадилар.

Йўлланма олган шахс объектив сабабларга кўра, белгиланган муддатда санаторийга соғломлаштириш учун келишининг имкони бўлмаган ҳолларда, бу ҳақда бирлашмани соғломлаштириш муддати бошланишидан камида 10 кун аввал хабардор қиласди.

Бундай ҳолда санаторий билан келишиб даволаниш муддати шу йилнинг бошқа муддатига ўтказилиши мумкин.

Йўлланма муддати бир йилда бир маротаба ўзгартирилиши мумкин.

### **IV. Санаторийларда ёшларни соғломлаштириш ишлари учун маблағ ажратиш ва ҳисботларни тақдим этиш**

**16.** Санаторийларда ёшларни соғломлаштиришга маблағлар:

- касаба уюшмалари аъзолари (ишловчи ёшлар) учун бирлашмаларнинг ижтимоий сугурта бюджети ҳисобидан;

- Олий таълим муассасаси талабаларига бирлашмаларнинг касаба уюшмаси бюджети ҳисобидан ажратилади.

### **V. Якуний қоидалар**

**17.** Бепул соғломлаштириш учун қабул қилинган ёшлар санаторийда ўрнатилган ички тартиб-қоидаларга қатъий риоя этишлари шарт.